



Суратларда: (chapdan) 6-бўлим 1-бригадасининг тракторчиси ўртоқ Шермат Рўзиматов гўза қатор ораларнинг культивация қилмоқда (ўнгда). Шу бўлимдаги 6-бригада сувчиси ўртоқ Сувоңкул Отабоев эгатларга сув тарамоқда. А. Абалля фотолари.



ВАТАНГА 10 МИНГ ТОННА ПАХТА БЕРАМИЗ!

КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларидан руҳланган, партия ва ҳукуматимизнинг Мурोजаатига амалий иш билан жавоб бериш учун отланган Янгиер районидаги „Фарҳод“ совхози азамат пахтакорлари илгариги мажбуриятлари **7535 ўрнига Ватанга 10 минг тонна „оқ олтин“ етказиб беришга аҳд қилдилар**

ЯНГИ МАРРА УЧУН

Қ. БОТИРОВ,
совхоз директори,
Г. СУВОҢКУЛОВ,
партиком секретари.

БИЗНИНГ районимизда экиш апрелнинг бошида бошланган эди. Қўқамнинг инжиқ келгани шундан маълумки, июннинг биринчи ўн кўнлигида ҳам чигит экилди. Бироқ биз қийинчиликларни бошқа хўжаликларга нисбатан осонроқ енгдик. Бу асосан техниканинг, меҳнат интизомининг самараси бўлди. Ҳамма ерда чигитни текис ундириб олиб, нормал қилинликда кўчат ҳосил қилдик.

Ўтган йилнинг кузда қадрдонимиз Никита Сергеевич Хрушчев Мирзақўлнинг янги ўзлаштирилган ерларини келиб кўрганда бизнинг ёш совхозимиз билан ҳам қизиққан эди. Ўшада биз 1962 йилда яна 500 гектар янги ер очиб экин майдонига қўшамиз деб ваъда бергандик. Бироқ одамларнинг ғайрат-шижвати, ўз ишларига қўйган ихлоси улкан ғалабага олиб келди. 1000 гектар янги ер ўзлаштириб, ҳаммасига чигит экидик. Пахта майдонимизни 5600 гектарга кенгайтирдик.

1962 йил учун 7600 тонна пахта етиштириш мажбуриятини олган эдик. Аммо ҳозир юз берган вазият биздан ўз имкониятларимизни қайта кўриб чиқишни талаб қилди. Хўш, бу қандай вазият? Районимиз 25600 гектар пахта майдонидан 54000 тонна ҳосил етиштириши керак. Об-ҳавонинг ёмоал келиши айрим хўжаликларда кўчатнинг жуда сийрақлашиб кетишига олиб келди. Айниқса „Дружба“ совхозида аҳвол оғирлашиб қолди. 2-„Боев“ совхозида ҳам чигит қайта-қайта экилди. Чунки бу хўжаликларда шўр ерлар анчагина майдонни ташкил қилади. Бунинг устига қишлоқ хўжалик экинлари зараркундалари пайдо бўлди. Айниқса, кузги тулғам кўпайиб кетди. Бор кўчатнинг ҳам бир қисми йўқ бўлиб кетди. Аммо биз районимиз планини қайта кўриб, деб юқори ташкилотларга қай бетимиз билан борамиз. Ўтган йили районимиз яхши натижаларни қўлга киритган бўлса ҳам, областимиз, республикамиз планни бажаролмади. Шундай бўлгандан кейин планни қайта кўриб, беришни илтимос қилиш орийатли деҳқонларнинг иши эмас. Худди шу гапларни узоқ мулоҳаза қилиб кўргач, ўз имкониятларимизни қайта кўриб чиқдик.

Дарҳақиқат, бизда талай резервлар бор экан. Мана бир мисол. Ўтган йили 2-бўлимда ҳар гектар ерда 53 минг тупдан кўчат сақлаб қолинган эди. Бўлим коллективи фидокорлик билан ишлади. Натижада кўчат нормаладиган 2 баравар кам бўлса ҳам плангина эмас, икки марта лаб янги мажбуриятлар олиниб, муваффақиятли бажарилди. Бу йил эса шу бўлимда ҳар гектар ерда 120 минг тупдан кўчат бор. Бунинг 110 минг тупи сақлаб қолинганда ҳам агар яхши ишласак, ўтган йилгидан 2 баравар кўп ҳосил етиштиришимиз мумкин.

Ҳосил тупидан олинади. Биз бу йил кўчатни кўпайтириш устида кўп ишладик. Экин ҳема-ларидан ҳам, агро-техника қондалари-дан ҳам самарали фойдаландик. Ҳозирги хомчўтларга кўра ҳар гектар ери-мизда ўртача 110 минг тупдан кўчат бор. 1961 йилда бўл-са гектар бошига

62—63 минг тупдан кўчат сақлаб қолган эдик. Биз ўз олдимизга мавжуд кўчатни тўла сақлаб қолиш ва ҳар туп гўзадан мўл ҳосил олишни муқаддас бурч қилиб қўйиб, жуда катта мажбурият олдик. Районимизнинг ўз мажбуриятини осонроқ бажаришни таъминлаш мақсадида бутун коллективимиз билан бамаълаҳат 10 минг тонна „оқ олтин“ етиштиришга қарор қилдик.

Бу вазифа шу билан ҳам мураккабки, бизда ишчи кучи кам. 5600 гектар пахта майдонига фақат 800 киши ишлайди. Кўриниб турибдики, биз механизацияга зўр беришимиз керак. Бусиз қўлимиздан ҳеч иш келмайди. 5, 6-бўлимларда ҳатто сугориш ҳам механизациялаштирилган.

Совхозимиз пахтакорлари ҳар бир ишчи ҳисобига пахта етиштиришда анча ютуқларни қўлга киритдилар. Ўтган йили А. Кошелев, И. Абдуллаев, Т. Бобоев ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳар бир ишчи ҳисобига 40 тонна ва ундан ортиқ пахта етиштирдилар. Ўзи гўза қатор ораларида ишлаб, пахтадан озми-кўпми ҳосил етиштириб юрган киши бу ишнинг осон эмаслигини тушунади.

Бу йил ўртоқ Александр Кошелев бошлиқ комплекс механизациялашган бригада пахта ҳо- мажбуриятини ол- ди. Бригадада 7 ки- ши ишлаб 257 гек- тар ердаги гўзани кетмонсиз парвариш қилади. Бригада аъ- золарининг ажойиб ташаббуси шундан иборатки, улар ҳар бир ишчи ҳисобига 73 тоннада пахта етиштирадилар. Тан- наҳ ҳам арзон бў- лади. Ўртоқ Ислом- жон Абдуллаев бо- шлиқ бригада аъ- золари ҳам шун- дай яхши кўрсатки- лар учун курашмоқ- далар.

Хўжаликнинг бош- қа тармоқларида ҳам яхши натижа- ларга эришяямиз. Жўн сотиш плани 203, пилла тайёр- лаш плани 144, сўт сотиш йиллик пла- ни 104 процент ба- жарилди. Бироқ биз- нинг асосий вазифа- миз ойна-Ватанга 10 минг тонна пахта етказиб бе- риш. Бу курашда бутун совхоз коллективи бир жон-бир тан бўлиб ғалабага эришамиз. Чунки совхознинг умумий йиғилишида бутун халқ бир оғиздан „бу юксак мажбуриятни бажарамиз“ деб айтдилар.

Хўш, бу имконият нималар? Дастлаб шунга айтиш керакки, ўтган йили ҳар гектар ерда 50—55 минг туп кўчатимиз бор эди. Бу йил 115 минг туп- га тўғри келади. Бундан бўён ҳам кўчатни сақлаб қолиш учун астойдил курашамиз. Пахта очилгун- га ҳар гектар ерда 100—110 минг туп кўчат қол- ганда ҳам мажбуриятни бажаришимиз мумкин.

Ўтган йили гўза кечкироқ эди. Бу йил катта қийинчиликларга қарамай кўчатни нормал ўсти- ряймиз. Бу ҳам ҳосилдорликни оширадиган бир омилдир. Бунинг устига гўзани оқатиб, қанқатиб қўймасак, сув билан культивацияни бир-бирига мустаҳкам боғлаб олиб борсак, айтган ҳосилимиз- ни оламиз. Ана шуларни ҳисобга олиб биз шундай катта мажбурият олдик.

Бу йил озиклантиришни эрта ўтказаямиз. Ҳо-

зир биринчи ўғитлаш ва биринчи сугориш тамом- ланди. Учтинчи озиклантириш эса 10 июлгача ту- галланади. Бу тадбир туфайли гўзанинг гўлаб кетишига йўл қўймаймиз. Уни камбаргу, серҳосил қилиб ўстирамиз.

Мўл ҳосил етиштиришнинг муҳим бир сирин бор. Бу сир шундан иборатки, деҳқон гўзага парвона бўлиб, кўнига бир неча марта у билан сузлашади. Чанқатиб қўймайди, сувхўрда бўлиб қолишига йўл бермайди. Сувдан кейин ер етилиб, эгатлар ёрил- май туриб, культивация қилади. Кимки шу ишни уйдalasа, мўл ҳосил ўшаники. Биз худди шундай қиламиз.

ХАШАРОТГА—ЎЛИМ

А. БОБОЖОНОВ,
агроном-эпидиолог.

БУ йил чигит ердан узиб чиқиши билан шир- а ва трипс пайдо бўлди. Ёш гўза учун бу жу- да хавфли эди. Дарров бутун қаргаларни синчиклаб текширдик-да, касаллик билан зарар- ланган гўзаларни аниқладик. Шир- а билан трипс 3000 гектар ерга ёйилиб кетган экан. Бунга қарши зудлик билан кураш бошладик. 3000 гектар ердаги гўза ва унинг тева- рақ атрофи заҳарли дорилар билан иш- ланди. Иш тезроқ борсин деб самолёт- лардан фойдалан- дик.

Кейинроқ 100 гек- тар ерда кузги тул- лам пайдо бўлди. Агар олди олинмаса бу зараркунанда бу- тун совхозга ёйили- ши мумкин эди. Қў- жарга уни ва 25 про- центли гексохлоран билан уни ҳам кириб ташладик.

Қишлоқ хўжалик зараркундалари — катта офат. Биз- га қўшни бўлган ай- рим хўжаликлар бу кўрдилар. Яхшики, биз курашни вақтида бошладик. Ҳозир сира кўр- қмай катта мажбурият олаётганлигимизнинг битта сабаби ҳам шу.

Биз ҳашаротга қарши курашда культиваторга ўрнатилган СУЗ аппаратидан ҳам фойдаландик. Ҳозир 4 та янги ОДНимиз бор. Яна 4 та эски ОДНни қайта тиклаб қўйдик. Юксак мажбурият- ни бажариб, юзимиз ёруғ бўлиши учун зарарку- надаларга қарши курашга доим тайёр турамиз.

КАТТА ХИРМОН ГАРОВИ

Г. АБДУЛЛАЕВ,
5-бўлим механизатори.

БЎНДАН икки йил аввал бизнинг еримиз Бқакраб ётган чўл эди. 1961 йил баҳорида бу ерларга биринчи марта уруғ ташланди. Ма- на бу йил 147 гектар ерга қатор ораларини бир метрдан қилиб чигит экидик. Мажбуриятимиз кат- та. Бригадада 6 кишимиз. Ҳар гектар ердан 10 ўрнига 20 центнердан „оқ олтин“ етиштирамиз.

Бригадада ҳамма трактор бошқаришни би- лади. Мен ҳам шуларнинг бириман. Шунга яхши биламанки, олган мажбуриятимизни бажариш ме- ханизаторнинг ишига ҳам боғлиқ. Чунки бизда гў- за чопиғи ўтказилмайди. Ҳамма ишни механизация бажаради. Ундан кейин культивация сифатсиз бўлса—кўчатнинг бир қисми йўқотилади ёки тў- ридан-тўғри шона, гул, кўсак тўкилиб, ҳосил но- буд бўлади. Шу сабабли биз ихлос билан ишлаш- ни ўзимизнинг асосий мақсадимиз қилиб олганмиз. Яна бир нарсани айтиб ўтай. Культивациянинг сифатли бўлиши — сувчиға ҳам боғлиқ. Нега?

СУВЧИ—ЭКИННИНГ ТАБИБИ

С. ХИДИРОВ,
6-бўлим сувчиси.

СУВЧИГА бардошлик бўлишнинг нима ҳожа- ти бор? Ер-ердан фарқ қилади. Бир қартада ер қаттиқ, бошқа бирида юмшоқроқ бўлади. Қаттиқ ерда бардош шундай керакки, бардош бўл- маса экин сувга қонмайди ёки қўллаб кетади. Чунки бардош камроқ одам сувнинг чумоли қа- дам билан секин ўрмалашига тоқат қилиб турол- майди. Эгатларга меъридан ортиқроқ сув тараб юборилади. Қараб турибсизки, ерининг бети на- мланиб, остки қисми тош метиналгича қолиб кета- веради. Кейин гўза эркин томир отолмайди, тез чанқаб шона ва гул тўкади.

Яхши сувчининг иккинчи фазилати зийраклик- дир. У ҳеч эримай пайдар-пай пайкал оралайди. Ҳар бир эгат бошида энгашиб, сувнинг оқишини, охири қаерга етганини синчиклаб кузатади. Шун- дай қилмаса, бир нафасда сув эгатни бузади, қўл- лайди. Бунинг ҳосилга зарари ҳаммага аён албат- та.

Мен ўз тажрибамдан бир нарсани айтиб берай.

Баъзан эгатларга най ёки қоғоз орқали бир меъ- р да сув тарайман. Лекин бепарво бў- либ бир ерда ўтир- майман. Қўлоқлар- ни бир айланиб кел- гунимча бир эгат- даги сув масалан 40—50 метрга, унинг ёнидаги эгатда эса 20—25 метрга ета- ди. Одатда бунақа иш кўп учрайди. Сувчи бунга кўп қў- ранган. Шундай пай- тларда мен суви узувроқ йўл босган эгат бошидаги қў- лоқчага ёки найга биттагина барг қи- ситиб қўяман. Шун- да сув хилсизла- йиб, эгатлардаги сув бараварлашиб ола- ди.

Биз сувчиларнинг қўлида мўл ҳосил қилиди турипти. Биз яхши ишласак, ка- сал экин ҳам туза- лади. Тезроқ ҳосил- га киради. Шунинг учун сувчи экиннинг табиби дейдилар.

Бу йил брига- да- миз сира экин қур- маган 240 гектар ерга чигит экиди. 6 киши бўлиб 7,7 ў- рнига 13 центнердан ҳосил етиштирамиз. Мен ҳам ўз ишимга сикқидиллик билан қараб, шундай кат- та вазифани баж- аришга муносиб ҳи- са қўшаман.



Ўртоқ Улуш АЛИЕВ,
бригада бошлиғи.




Ўртоқ Ранса ЕФИМОВА,
сувчи.

Бу саҳифани „Тошкент ҳа- қикати“ газетаси илгорт тажри- баларини пропаганда қилиш шартсиз бўлиши уюштирган.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»


3-БЕТ, 16 ИЮНЬ, 1962 ЙИЛ.



Ўртоқ Носир ТОШХҲАЕВ,
агроном.



Ўртоқ Отақун РАҲМОҶОВ,
сувчи.



Асфальт йўлдан кириб бораётган соя-салқин дараклар, йўл ёқасидан гулзорлар, овозда қилиб супурилан жой диққатингизни ўзига тоғтади. Бу ер болалар бод касалини даволовчи «Ўзбекистон 15 йиллиги» санаторийи. Шундан кираверишда бош ерэк ўртқа Собор ва қабулхонаси.

— Ўзбекистон 15 йиллиги — дейди у. Улар мактабча ва мактаб ёшидаги ўғил ва қизлардир.

Бу ерда аскари билан даволаш кен қўлланади. Шу мақсадда санаторийнинг ўзига қўлаб аскари боксёрлар, ҳар бир бола санаторийда бўлган вақтда (бир йил икки ой) унга 200 та аскари керак бўлади. Боланинг қўлига қўйиладиган аскари битта қақчақ ўлади.

Санаторийда даволаётганлар бўш вақтларини ёнғилди ўтказишади. Бунинг учун барча имкониятлар яратилган. Спорт ва танга майдон, кутубхона, биллардонка, шахмат-шашкалар болалар ихтиёрида. Кичикроқлар учун хилма-хил ўйинчоқлар сотиб олинган.

Яқинда бу санаторий профилантика-даволаш ишлари бўйича ўтказилган кўрикда биринчи ўринни эгаллади. Муассасани ахил коллектив Факрий Ёрлик билан мукофотланди.

Санаторийда шифо топиб чиқатган ёшларнинг қувончи чекмас. Врачлар бу ердан даволаш кетган болалар билан келин хат орқали хабарлашиб турдилар, саломатлигини суриштириб борадилар. Врачларнинг бундай гамхўрлигиндан беморлар миннатдор бўлмоқда.

Н. ОМОНОВА.
Суратда: ари билан даволаш пайти.
А. Абалин фотоси.

ШАҲАРДА 56 ПИОНЕР ЛАГЕРИ

Ўзининг серзавқ, гаштли кунлари етиб келди. Ўз ойларида ҳамманинг ҳам соя-салқин жойларда ҳордиқ чиқариб ором олуси келди. Областида хушчақчақ пионер ёзи бошлади кетди.

Областида 50 га яқин мавсумий пионер лагерлари ишлаб турибди. Бундан ташқари каникули вақтида шаҳарда қоладиган ўқувчилар учун Тошкентнинг маданият ва истироҳат боларида, мактабларнинг ўзига 56 та кундузги пионер лагерлари очилди. Ана шу шаҳар пионер лагерларида 56 бўйи 18 минг пионер ва ўқувчи дам олади.

Кундузги лагерларда ўқувчилар каникулини муваффақиятли ўтказиш учун қўлай шартлар яратилган. Ўқувчилар бу ерда турли тўракаларга қатнашиб, фойдали ишлар билан машғул бўладилар. Тошкентдаги завод-фабрикаларга экскурсияга бориб коммунизм қуришда актив қатнашаётган илгор ишчилар билан учрашадилар. Шунингдек, шоир ва ёзувчилар билан учрашув кечалари ўтказиш ҳам планлаштирилган.

Шаҳар лагерларида тарбия ишида яхши тажриба орттирган ўқувчилар ва пионер вожатийлар ишлаётир.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

ТОШКЕНТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИДА

ВАТАНПАРВАР ВРАЧЛАР

Қишлоқ аҳолисида медицина хизмати янада яхшиллаш мақсадида шаҳарлик қўлгина медицина ходимлари энг узоқ участкаларга бориб ишлаш истагини билдирмоқдалар. Жумладан, Тошкент медицина институтининг ассистент, администратор ва медицина ходимларидан 50 дан ортқ киши қишлоқларга бориб хизмат қилиш истагини билдирдилар. Ассистентлардан Т. Сафаров, Р. Керер, Г. Алиев, Ю. Поршников, Т. Мирзаяримов ва администратор Т. Нестерова, медицина ҳамшираси С. Кравцова каби ўртоқлар қўқ ерларга — Миравзўлга жўнаб кетдилар.

САЛОМАТЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

Институтнинг ўқитувчилари, илмий ходимлари институт ота-лидаги «Ташкенттабееъ» заводида саломатлиқ унинг кунлари чида завод ишчилари ва хизматчилари «Совет медицинаси халқ хизматига», «Болалар асабиди» ва шунга ўхшаш бир неча темаларда лекциялар тингладилар. Лекцияларни профессор М. С. Александрова, ассистент Л. Б. Сиришова ўртоқлар ўқидилар.

ЯНГИ ДАВОЛАШ АППАРАТЛАРИ

Институтнинг кўз касалликлари клиникасида кўзга тушган майда металл булакчаларини тезда олиб ташлайдиган янги аппарат ижод қилинди. Бу аппарат клиникада муваффақиятли равишда қўлланилмоқда. Шунингдек институтнинг стоматология факультетида қарашли ортопедия кафедрасида ҳам протезлаш ишларида қўлланиладиган янги прибор — гидравлик гнатодинамометр прибори яратилди. Бу янги прибор Москвадаги илмий-техник ширкет институтда ҳам синаб қўрилди ва ишлаб чиқаришга татбиқ этилди.

РАДИОГАЗЕТА

Институтда ҳафталик радиогазета ташкил қилинди. Радиогазета медицина янгиликлари, институт студентларининг ўқиши, ҳаёти, спорт янгиликлари каби воқеалар ҳақида хитоя қилади.

Н. АКРАМОВА.

СПОРТ

Традицион эстафета

«Поста» газетасининг мукофоти учун еттинчи традицион эстафета ўтказилди. Тошкент кўчаларида ўтказилган бу мусобақада икки гуруҳга бўлинган 49 команда қатнашди. Биринчи гуруҳда фахрий мукофот ва голиб номини А. Чехонин бошлққ команда олди. Иккинчи гуруҳда махсус мукофотнинг республика ички ишлар министрига командаси олди. Шаҳар милиция бошқармаси 26 команда билан қатнашиб, оммавийлик учун белгиланган мукофотни қўлга киритди.

«Поста» газетасининг редак

тори А. Карасин голибларга мукофот ва Фахрий ёрликларни таяннали равишда топширди.

Д. ПЬИЦЕВ.

Қизлар мусобақаси

Тошкентдаги Горький номи паркда қизлар ўртасида шашмак бўйича республика пойтахти чемпионати ўтказилди. Мусобақа биллардонка, Л. Гольдман, Р. Портов ва Н. Артамонова бошқарувида қўлга олдилар. Гольдман Портовни ютди, Лекин Артамоновга ютказди. Турини тамом бўлган бўлса ҳам Тошкент чемпионати маълум бўлмади қолди: ёш биринчи разрядли Гольдман ва Портов 12:10 ҳисобидан 10 тадан очко ўтказди, биринчи ва иккинчи ўринларини бўлишиб олдилар. Артамонова 9 очко олиб, учинчи ўринни эгаллади.

Н. БИРБЕРАГЕР.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ, 16 ИЮНЬ, 1962 ИЛ.

Антуан Гизенгани ҳимоя қилиш юзасидан СССР парламент группаси комитетининг БАЕНОТИ

Конго миллий овозли ҳаракатининг раҳбарларидан бири, Патрис Лумумбанинг содди сифатида Антуан Гизенгани таъқиб этиш ҳамон давом этмоқда. Яқон йил муомаласини буни аър ташвиш билан кузатиб бормоқда.

Конго парламентининг вакиллар палатаси Антуан Гизенгани парламент дахилсизлигидан маҳрум қилиш тўғрисида сирдан қарор чиқарганлиги, Антуан Гизенга бельгиялик чиновниклардан иборат судга берилганлиги — парламентаризм ва демократиянинг умум танган норазиларини бузиш ҳолларидан иборат занжирнинг янги шармандали халасидир.

Парламент кун тартиби жуда қўпол равишда бузилганлиги, фактлар батамом эътиборсиз қолдирилганлиги, А. Гизенганинг сиёсий муҳофизлари касадан тухмат қилганлиги ва А. Гизенга бу тухматларга жавоб бериш ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги, лави ана шу шармандалар қирорин қабул қилиш вақтида ҳуқуқ сурган ҳамда гунаҳдорликдан ва парламент аъзоларига таъинлар ўтказишдан иборат бўлган бутун аъзият бетавазали ҳиссини сал бўлсада сақлаб қолган ва сиёсий айтиган жонсак қилиб қўйилган ҳар бир кишига таъаб ва норозилик уйғотмаслиги мумкин эмас.

Шуни айтиш қиёфаси, ана шу қарор Конго Ассий қонунининг 81-моддасига ҳилоф равишда қабул қилинди. Бу моддада ўзига бирон аёб қўйилган ҳар қайси депутат парламент олдида туриб қўйилган аёбга жавоб бериш ҳуқуқига эгадир, деб айтилган.

Антуан Гизенгани конституциядаги ана шу ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум қилинган. Бунинг устига шу чоқча ҳам, аслида, унга ҳеч қандай аёб қўйилган йўқ. Ваҳовани, Антуан Гизенгани халқдан қариндош-уруғлари ва ёри-бирдорларидан айириб, бир неча ойдан бери қамолда сақлаб келмоқдалар, ҳозир эса, уни судга ва унинг ўзи шу қадар изчиллик ва довораклик билан қурашиб келган кишилар

қўлига, Патрис Лумумбанинг ва Конго халқи овозли учун қурашган бошқа кишиларнинг қони билан беланган мустамлакачилар қўлига топширмоқдалар.

СССР парламент группасининг комитети инсоннинг умум танган ҳуқуқлари шу қадар чидаб бўлмас даражада оёқ ости қилинаётганлигидан гоят даргазаб бўлганлигини изҳор қилади ҳамда Конго Республикаси парламентининг аъзоси Антуан Гизенгадан ўч олишга қаршилик қўйиладиганлигига қарши қатъий норозилик билдирди.

СССР парламент группасининг комитети ўзининг даргазаблиги ва нафратини изҳор этиш билан бир-гва, Парламентлараро иттифоқин, барча мамлакатларнинг парламент группалари ва парламент аъзоларини, парламентаризм ва демократия принципларини, шунингдек умум инсоний адолатни қадарловчи ҳамма кишиларни ана шу принципларини ҳимоя қилишга, Конго халқини мустамлакачилар асоратидан озод қилиш учун олижаноб қурашчи Антуан Гизенгани ҳимоя қилишга чакирди.

СССР Парламент группасининг комитети

қўлига, Патрис Лумумбанинг ва Конго халқи овозли учун қурашган бошқа кишиларнинг қони билан беланган мустамлакачилар қўлига топширмоқдалар.

СССР парламент группасининг комитети инсоннинг умум танган ҳуқуқлари шу қадар чидаб бўлмас даражада оёқ ости қилинаётганлигидан гоят даргазаб бўлганлигини изҳор қилади ҳамда Конго Республикаси парламентининг аъзоси Антуан Гизенгадан ўч олишга қаршилик қўйиладиганлигига қарши қатъий норозилик билдирди.

СССР парламент группасининг комитети ўзининг даргазаблиги ва нафратини изҳор этиш билан бир-гва, Парламентлараро иттифоқин, барча мамлакатларнинг парламент группалари ва парламент аъзоларини, парламентаризм ва демократия принципларини, шунингдек умум инсоний адолатни қадарловчи ҳамма кишиларни ана шу принципларини ҳимоя қилишга, Конго халқини мустамлакачилар асоратидан озод қилиш учун олижаноб қурашчи Антуан Гизенгани ҳимоя қилишга чакирди.

СССР Парламент группасининг комитети

„Жаҳонни бомбалардан холи қилиш учун“! Аккра ассамблеяси

Гана элчихонасида матбуот конференцияси

МОСКВА, 14 июнь. (ТАСС). Африка халқларининг ёлпасига ва батамом кулосизлангани, атом қуролини йўқ қилиб ташлашни, халқларнинг ҳамкорлиги ва дустлигини, бутун дунёда тинчликни ёлқовчи овози халқаро майдонда тобора баралла янграмоқда.

Гана Республикасининг президенти Квеме Нкрума «Жаҳонни бомбалардан холи қилиш учун» Аккрада ассамблея қилиниши ўган йил июль ойида тақлиф қилган эди. Бу тақлиф ҳамма қитъаларда қувватланди ва маъмулаади. Тайёргарлик комитети ассамблеяни 1962 йил 21—28 июнда ўтказишга қарор қилди.

Гана Республикасининг Совет Иттифоқидан аъзоси Жон Б. Эллотт бугун матбуот конференцияси ўтказиб, ана шу ассамблея ҳақида баёнот берди.

Аккра ассамблеяси, деди элчи, ҳозирги халқаро кескинлики юмшатишнинг ҳамда ёро уруши хатарига келтириб қўйган проблемаларни ҳал қилишнинг реал йўлларини қидиришга янги муносабат бўлиш чорасини топштиришдан иборатдир. Бу ассамблея халқаро форум бўлиб, унда юзга яқин машҳур ақамат арбоблари учрашди. Булар халқаро кескинликлари юмшатишга, қуроли сизиланишга, жаҳондаги қам қўриқ атган районларнинг иқтисодий ривожланишига конструктив муносабатда бўлаётганлиги билан ном чиқарган ҳамда атом энергиясидан ҳарбий мақсадларда фойдаланиш инсониятнинг ҳаёти ва саломатлигига зийн етказиши мумкин деб таъкидлаётганлигини исботлаш ҳамда атом энергиясини ақамат арбобларидир. Ассамблея қатнашчилари фақат ҳусуеий кишилар сифатида тақлиф қилинган, чуқури бу ассамблея ҳуқуқлар ўтказатган конференция бўлмади, халқаро таъкидлаб таъкидларнинг узрашувидир.

Шундан қилиб, Аккра ассамблеясининг мақсади — ҳозирги вақтда қадар кулосизлангани, ядро қуроли синовларини таъкидланган ҳамда халқаро кескинликлари юмшатиш билан узвий равишда боланган бошқа проблемаларни ҳал қилишга ҳалақит бериб келатган қийинчиликларни батафсил

ўрганишдан ва ассамблея қатнашчиларининг фикрига қўра, манфаатдор ҳуқуқларнинг сидиқиди қараб чиқиш муйин даражада мумкин бўлган тақлифларни илгари суришдан иборатдир.

Ассамблеяни ўтказиш гоёсини, деб таъкидлади Жон Б. Эллотт. Лайнус Полинг, Илья Эренбург, Пьер Пикассо, Альберт Швейтцер, Кеннет Каула, Жоануа Номбо, Жорж Амаду, Карлос Фунтес, Филип Ноэль-Вайкер ва бошқа шу каби жаҳонга машҳур бўлган қўқина жамоат арбоблари қувватландилар.

Элчи маълум қиладики, ассамблея халқаро кескинликлари юмшатиш; кулосизланган процессида самарали инспекция ва контролни амалга ошириш методлари; маъжуд ҳарбий ядро материалларидан тинч мақсадларда фойдаланиш, кулосизланган билан болган бўлган ёки шу муносабат билан уюлжуда келадиган иқтисодий проблемалар; очлик, касалликлар, нодонлик ва кулликка доир асосий проблемаларни ўрганиш ҳамда жаҳонни бомбалардан холи қилгандан кейин, ҳозирги вақтда зўр бериб кулосизланган учун фойдаланиладиган ҳамма ресурсларни бўшлатиб олиш йўли билан ана шу проблемаларни ҳал қилиш соҳасидаги конкрет тақлифлар тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилади.

Жон Б. Эллотт таъкидлаб ўтдики, конференцияни ўтказиш билан шугулланувчи тайёргарлик комитети ассамблея иши тамом бўлганидан кейин кулосизланган ва шунга яқин бўлган бошқа проблемаларни ҳал қилишдан иборат Аккра плани майдонга келди, деб умид билдиримоқда. Ҳозирги вақтда ассамблея чиқариладиган хулосаларини барча манфаатдор мамлакатларнинг муҳокамасига қўйиш мўлжалланмоқда.

Пировардида элчи ўқитиб айтдики, «жаҳонни бомбалардан холи қилиш учун» Аккра конференцияси халқаро кескинликлари юмшатишга олиб борадиган янги йўлларни қидиришга мумкин роль ўйнамоғи керак.

Жон Б. Эллотт мухбирларнинг жуда кўп саволларига жавоб берди.

Суванна Фума Луан-Прабанга жўнаб кетди

СИЕНГ-КУАНГ, 14 июнь. (ТАСС). Лаос ҳукуматининг бош министри шаҳзода Суванна Фума бугун самолётда Лаос қиролигини нинг пойтахти Луан-Прабанга учиб кетди.

Суванна Фума муваққат коалицион ҳукумат тузиш тўғрисида уч шаҳзода ўртасида тузилган битим ҳақида қоролга ахборот беради.

ЯНА ЯДРО ҚУРОЛИ ПОРТЛАТИЛДИ

ВАШИНГТОН, 14 июнь. (ТАСС). Кеча Невада штатидаги синов полигонидан ер остида яна ядро қуроли портлатилди.

Атом энергияси комиссияси бу билан ер остида ядро қуроли синовларининг ҳозирги сериясидан 37-ядро қуроли портлатилганлиги ҳақида хабар қилади.

АТОМ ЭНЕРГИЯСИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ АҚШ КОМИССИЯСИНING АХБОРОТИ

ВАШИНГТОН, 15 июнь. (ТАСС). Атом энергияси билан шугулланувчи комиссия Қўшма Штатлар Иқтисодиёт ороли районида жуда баландликда ўтказишни планлаштирган ядро портлатиш 18 июнда амалга оширилди, деб эълон қилди. Комиссия портали «бир неча юз километр» баландликда ўтказилди, деб билдирди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» (Ташкентская правда) — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся

РЕДАКЦИЈА ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, редактор урибосари — 25885. Журналист бўлими — 26232. Пропангада ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ ҳўжалиги ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, сановат ва транспорт бўлими — 33786. Секретариат — 34808. Хатлар бўлими — 34048. Илгор таърибларни пропаганда қилиш штатиси бўлими — 31936. Ўзлашқан бўлими — 28142. Коммутатор — 26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурх» бирлашган нашриятининг басмахонаси.

Р. 01007.

СССР ТАШКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА

СССР Ташки ишлар министри 14 июнда Эроннинг Москвадаги элчисига қўйиладиган маълум қилди:

Компетент совет органлари 1962 йил 12 мартда Москвадаги Эрон элчихонасининг архивархиси, Эрон фўқароси Саттор Баргини ҳозир қамолда олинган совет граждандарига спекулянтлик мақсадида валюта сотиб турган пайтда қўлга олдилар.

Тергов давомида шу нарса аниқландики, Саттор Барги контрабанда йўли билан келтирилган валюталарни қонунга ҳилоф суратда сотиб келган. Москвадаги Эрон элчихонасининг бошқа баъзи ходимлари совет қонунларини қўпол равишда бузиб, Саттор Барги орқали олтин танга ва америка долларини спекулянтлик нархларда сотиб келганлиги аниқланди.

Саттор Барги тергов вақтида бўйига қўйилган айбларга иқдор бўлиб, Москвадаги Эрон элчихонасининг матбуот атташеси Бушхрипур ва Санаи ана шу доллар ва олтин тангаларни контрабанда йўли билан Совет Иттифоқига келтирилган.

Эрон дипломатларининг ана шу ҳаракатлари уларнинг дипломатия бурчаларига ҳилоф эканлигини ва амалдаги совет қонунларини қўпол равишда бузиш эканлигини эътиборга олтанди. Бушхрипурнинг бундан бўён Совет Иттифоқидан қўлиб қўйилган асос.

Айин вақтида СССР Ташки ишлар министрига элчихона ходимларининг ана шу ҳаракатларига йўл қўйиш мумкин эмаслигини Эрон элчисининг эътиборини жалб этди ва келгусида бундай ҳаракатларга йўл қўймаслик учун зарур чоралар қўришни сўради.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИЗОР

16 ИЮНДА

Рус тилида: 18.00 — Қандай қилиб Ферд сафарга чиқди (болалар учун қўйиладиган фильмнинг биринчи серияси), 18.35 — Бадний гимнастика, 19.05 — Телевизион янгиликлар, 19.20 — Концерт (телемониторингнинг хатларига мувофиқ), 20.10 — Бўйиндаги Анна номли бадний фильм.

Ўзбек тилида: 21.35 — Телевизион янгиликлар, 21.50 — Концерт (телемониторингнинг хатларига мувофиқ).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзи бую) — Охунбобов номли Андижон область музареа ва комедия театри қўлгаларини — 16/VI да Нодира, 17/VI да Ташболта ошиқ, Спектакль кеч соат 9 да бошланади.

МУҚИМНИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/VI да Уч баҳодир, 17/VI да Ташболта ошиқ.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА:

Рокко ва унинг бирдорлари — «ВАТАН» (эрталаб соат 11, кундуз 2 ва кеч 5 да), НАВОНИЙ номли (кундуз 2, кеч 5 ва 8 да), «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ПИЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Уфқ ортида — «ВАТАН» (эрталаб соат 9 ярим, кеч 8 ва 9-45 минутада), «КОМСОМОЛ 30 ПИЛИГИ» (эрталаб 9 ярим, 11 ва кеч 10 да), «МИР» (кундуз ва кечқурун).

1) Саҳнанинг нарги томонида — Америка, 2) Тунги пассажир — НАВОНИЙ номли (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва кеч 10-40 минутада), «ЎЗБЕКISTON» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА:

(Сеанслар кеч соат 9 ва 10 яримда)

Коралаш тўғриси — «ОКТАБР».

Рокко ва унинг бирдорлари — «ВАТАН», НАВОНИЙ номли, «ФЕСТИВАЛЬ», КАФАНОВ номли, ТЕЛЬМАН номли, «ПОБЕДА».

«Гляйвиц» операцияси — «ПАХТАКОР».

30 йил тўлган кунда — ПУШКИН номли.

Граф Монте-Кристо (1 ва 2-серия) — «УДАРНИК».

1) Саҳнанинг нарги томонида — Америка, 2) Тунги пассажир — «ШАРҚ».

М. Уйғур кўчаси. Қовунчи проеда» 18-йўл турмуви Латифа Қодированинг М. Уйғур кўчаси. Темир проеда» 10-йўл турмуви Юнус Қодированинг ақаларини ҳақидаги иш Тошкент шаҳар Оқтиёр райони халқ сузида қўрилади.

Ўзбекистон адреси

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЈА ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Редактор — 29004, редактор урибосари — 25885. Журналист бўлими — 26232. Пропангада ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ ҳўжалиги ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, сановат ва транспорт бўлими — 33786. Секретариат — 34808. Хатлар бўлими — 34048. Илгор таърибларни пропаганда қилиш штатиси бўлими — 31936. Ўзлашқан бўлими — 28142. Коммутатор — 26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурх» бирлашган нашриятининг басмахонаси.

Р. 01007.

Нашр. Г. 1614.